

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta •

1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan •

2003-yil, 21 fevral •

№ 8 (3692)

МУЗЕЙ БИЛАН ТАНИШУВ


19 феврал куни мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

Маъмур музей 1992 йили ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизнинг йирик илмий-тадқиқот, маданий-маърифий муассасаларидан биридир.

Умумий сатҳи қарийб икки минг квадрат метрни эгаллаган ва беш мингга яқин ноёб экспонат жамланган ушбу музей Ўзбекистон халқининг энг қадимги даврларидан бугунги кунигача бўлган улкан тарихдан ҳикоя қилади.

Музей билан танишар экан, Президентимиз залларнинг жиҳозланиши, экспонатларнинг жойлаштирилиши юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилди. Таклифларини айтди. Бу ердаги ҳужжат ва ашёлар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик қизиқиш томоша қиладиган, ўрганадиган ҳамда жаҳон аҳли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукамал бўлиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутиб, у шу халқнинг фарзандлари — келажак



авлод қалбига фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак, — деди Ислам Каримов. — Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрда-

мида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари музейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

(ЎзА).

“НАВРЎЗ” ҚЎШИҚЛАРИ КЎРИГИ

вофиқлаштириш кенгаши аъзолари иштирокида Наврўз байрамини ўтказиш ташкилий қўмитаси, Эстрада санъатини ривожлантириш ва му-

дек, Тошкент шаҳрида ижод қилаётган санъаткорлар Наврўзга бағишланган қўшиқларини хайфат эътиборига ҳавола этдилар.

Наврўзга бағишланган қўшиқлар танловининг биринчи босқичи юртимизда яхши овозлар, истеъдодли ёшлар борлигини кўрсатди. Энг яхши ижрочилар Кенгаш томонидан навбатдаги босқичга тавсия этилди.

ИЖОДИЙ ГУРУНГ

Ўзбек Миллий академик драма театри бугун халқимизнинг фахрига, энг гўзал, ҳашаматли санъат масканига айланди. Энди ана шу қосонага муносиб сахна асарлари зарур. Афсуски, драматургиямиз эъҳираси у қадар мактанарли эмас. Театрда эса ҳозир катта, ижодий куч бор. Театр директори Ёқуб Аҳмедов, бош режиссёр Валижон Умаров, адабий эмакдош Усмон Азимов бошчилигидаги театр санъаткорлари катта ижодий режалар билан изланмоқдалар. Асосий масала — замон ва томошабин талабига жавоб бера олувчи, юксак савиядаги сахна асарларини яратишда театр маъмурияти драматурглар, ёзувчи ва шoirлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Бинобарин, театр адабиётсиз, драматургиясиз яшай олмайди.

15 феврал куни Миллий театрда ўтган ижодий гурунгу шу масалага бағишланди. Сўхбатда адабиётимизнинг турли жанрларида ижод қилаётган Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Самандар, Эркин Аъзам, Анвар Обиджон, Шукур Холмирзаев, Эшқобил Шукур, Шойим Бўтаев, Мирпўлат Мирзаев, Муҳаммад Исмоил, Санжарали Имомов, Салоҳиддин Сироҷиддинов, Фариди Бўтаева, Қўлибека Раҳимбоева, Қўчор Норқобил, Эркин Хушвақтов ва бошқа ижодкорлар иштирок этдилар.

Сўхбат қатнашчилари ўзаро мулоқотдан мамнун бўлганларини айтиб, Миллий театр ҳақиқий ижодий лаборатория бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Э.Самандар ва А.Обиджон театрда ўз ижод намуналарини тақдим этдилар. “Бундай самимий гурунгу ва бу ерда айтилган гаплардан сўнг, кўнглимга чўғ тушгандай бўлди”, деди Э.Аъзам. Х.Дўстмуҳаммад яқин орада битта асар олиб келишни ўйлаб юрганини айтди. Шукур Холмирзаев ҳам бу мулоқот ўзи учун беиз кетмаслигини, бирор хиддий ишга ундашини таъкидлади.

Хуллас, ижодий гурунгу қатнашчилари театр билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга, спектакллarga тез-тез келиб туришга, яхши асарлар эъҳирасига ваъда бериб хайрлашдилар.

Г.УМАРОВА

ШЕЪРИЙ ПАҲЗА

Матназар АБДУЛҲАКИМ
ЮРАГИМ ПАРВОЗГА
ШАЙЛАНАР

Ажойиб педагог
Зарифбой Қўчқоровнинг талабаларга ўғити

Кўзимайди, кўрқманг, дангиллама уй,
Кўзимас гиламлар, парқуларингиз.
Кўзикади кўшиқ, кўзикади куй,
Кўзикар нурафшон туйғуларингиз.

Туморлар тақасиз машинангизга,
Туморлар тақасиз мулкнингизга сиз.
Тумор тақинг, асли, кўз ёшингизга,
Тумор тақинг, асли, кўлунгизга сиз.

Менда бир данак бор. Пўчоғи олтин.
Мағзи ёқут унинг. Чақиб қўйинглар.
Севинг. Бироқ севиб қолишдан олдин
Кўнглингизга тумор тақиб қўйинглар.

Муҳаббат шиддатли, беғараз хуруж,
Бад гумон келмасин ҳаёлингизга.
О, барибир лекин шода-шода мурч
Совға қилиб қўйинг аёлингизга.

Гарчи совға қилинг жаҳоннинг барча
Аттирлару мушук анбарларини.
Неча минглаб қизга неча минглабча
Кийгизинг қалампир чамбарларини.

Садоқат бир дунё, меҳр бир жаҳон,
Чек қўйинг камлару кўстларингизга.
Душманга дўшмасин бир кун ногоҳон,
Тумор тақиб қўйинг дўстларингизга.

Тўйдик олиб ҳаёт фироқларига
Юрт толеи учун кураш бошланглар.
Муътабар Жайхуннинг қирғоқларига
Кўз тегмасин, испанд экиб ташланглар.

Ана, юлдуз сўйди. Қолмагиз қарахт.
Юлдузларга тумор тақиб қўйинглар.
Бир барг ҳам сўлмасин. Дарахт-ку дарахт,
Илдизларга тумор тақиб қўйинглар.

Ҳасаддан жирканинг. Ҳасаддан қайтинг.
Туморлар тақинглар гужум, чинорга.
Кимнинг кўзи тегди Оролга, айтинг,
Кимнинг кўзи тегди Қалта Минорга?!

Қораяр. Қизармас ҳасаднинг бети,
Кўнгли йўқ. Бўлса ҳам бўлмағайди тўқ.
Нокас бахилларнинг кўзлари эли
Комил Девонийга бориб теккан ўқ.

Бахилликдан, айтинг, ким топган самар
Юрак мевасини егизмай заха.
Тутатқига зое қанчалаб камар,
Тутатқига улов қанча бўсага.

Оғзи ола бўла кўрманг ҳеч қачон,
Бўлинглар бир ёқа, бўлинглар бир енг.
Иккинчидан ҳозир берар эдим жон,
Шу билан бўлсангиз бизга жаҳон кенг.

Шодликдан кўнглингиз қалқиди ёшлар,
Сурурлаиб қутлуғ аъмолингиздан.
Юрагим парвозга шайлана бошлар
Қанот болаб сизнинг қамолингиздан.

Ҳар қаламини ташланг эъзулик томон,
Худбинлик ёт бўлсин кўзларингизга.
Ўз кўзингиз тегар ўқдан ҳам ёмон,
Махлиб бўлманглар ўзларингизга!

УЛУҒЛАРНИ АНГЛАШ ҲАМ КЕРАК

Абдураҳмон Жомий эътироф этади: яхшиямки, у “Ҳамса”сини турк тилида ёзди, бўлмаса, Низомий ким бўлар эди-ю, Хусрав ким бўларди?

2-бетда

Миҳлиев ўрнидан туриб, қочмоқчи бўлгандай бир талпинди-ю, кўрққанидан нафасини ичига ютганча, жим ётаверди. Қоронғида нимадир унинг юзини, лабларини оҳиста силади.

СИНОВ

4-бетда

БАҲО

Биз маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб ёки эътироз билдириб, рад этиб асл моҳият, ҳақиқат сари яқинлашамиз.

Ҳақиқатга интилиш туйғуси кучайган сари янги-на талқинларга ҳаракат авж олаётгани кўзга ташланмоқда.

3-бетда

АСТРОНОМЛАР ҲИСОБДАН АДАШИШДИ

Маълум бўлишича, Қуёш системасидаги сайёралар сони тўққизта эмас, унта экан. Айрим олимларнинг фикрича эса, улар бор-йўғи саккизта...

6-бетда

“ТАХТИ ЗАР”

Ўзбек Миллий академик драма театрида янги асар премьераси бўлди. Йўлдош Муҳимов ва Ҳайитмат Расул қаламига мансуб “Тахти зар” номли бу асарни Тошкент давлат Санъат институти ўқитувчиси Арсен Исмоилов сахнага қўйган. Спектакл юртимизнинг довурак фарзандларидан бири, элсевар, эркарвар афсонавий қаҳрамон

Премьера!



Спитамен ҳақида. Бу образни театрнинг умидли актёрларидан Учкун Тиллаев яратган. Қолган ролларни М.Абдуқундузов, Қ.Абдураҳимов, Н.Махмудова, Я.Абдуллаева, Ш.Азизова, Р.Иброҳимова, Т.Каримов, Р.Азизов каби театрнинг таниқли санъаткорлари ва истеъдодли ёшлари ижро этмоқдалар. Музыка муаллифи — бастакор Анвар Эргашев, сахналаштирувчи расом — Бахтиёр Тўраев.

Суратда: спектаклдан сахна. Р.ИСЛОМОВ олган сурат.

Тошкент шаҳри

Ўтган жума куни пойтахт марказидаги Темирийлар тарихи давлат музейи улуғ шоир ва ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур муҳлислари, адабий-илмий жамоатчилик намояндалари билан гап-мулоқот бўлди. Бобур Мирзо таваллудининг 520 йиллигига бағишланган анжумани Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов очди.

Бобур Мирзо ҳаётини кўз олдимизга келтирсак, ўзбек халқи тарихида босиб ўтган катта ва суронли бир йўл гавдаланади, — деди А.Орипов — Бобур Мирзо нафақат шоҳ ва шоир, айни чоғда тенги йўқ тадқиқотчи олим, реформатор ҳамдир. Шўролар давридаги миллий қатагонлар Бобур Мирзони ҳам таъқиб этиб

МИЛЛАТ ҚАЛБИ

келди. Шу маънода, мустақиллигимиз боис Бобур Мирзо ҳам рўшнолик кўрди. Хурият офтоби унинг ҳам елкасига тегди. Шоир она юртида ўзининг чинакам қадрини топди. Тарихда ўтган ҳукмдорлар орасида ўз фожиясини бу қадар очик ёзган шоҳ бўлган эмас. Бобур Мирзо ҳаминша халқимизнинг, миллатимизнинг ифтихори бўлиб қолаверади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари, таниқли олим Султонмурод Олим “Бобурнома”нинг улкан қомусий асар эканлиги ҳусусида сўзлаб, ундаги бир ярим мингдан зиёд жой номлари, атамалар, сулолалар билан боғлиқ тарихлар қимматини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳаёти гўзал инсон шеърларида инсонпарварликни юксак мақомга кўтара олган ҳамда шу ширин ижодий меросидан бугунги авлодлар олдидан сабоқларга эътиборни жалб этдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов Бобур Мирзо ҳаётининг турли саҳифаларига доир асарлардан монолоғлар, Бобур Мирзо шеърларидан намуналар ўқиб, анжуман аҳли олқишига сазовор бўлди. Шу куни Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Юнус Ражабий номдаги мақомчилар ансамбли ижросида янраган Бобур Мирзо шеърлари асосидаги қўшиқлар бобурхонлик анжуманига аҳил руҳ бахш этди.

МУВОЗАНАТ БУЗИЛМАСА...

Сўнгги пайтда турли радиоаналларда кишини раъжнатлаган бир ҳол анъана тусини олди: даярли ҳар кун эрта тонидан то эл ётунга қадар енгил-епил, саёз шеърларга бастанланган эстрада йўналишидаги қўшиқлар янрайди. Анъанавий халқ қўшиқлари, гўзал куйларимиз, мақомларимиз эса эл уйкуга кетмак — ярим кечадан сўнг эфир орқали таралганидан бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, эстрада ва мумтоз мусиқа ўртасидаги “олтин мувозанат” бузилди.

Мен эстрада санъатига асло қарши эмасман, аммо замонавий халқ қўшиқлари, мумтоз мусиқага бундай муносабат шу аҳволда давом этганидан бўлса, яқин ўн йилдан сўнг мумтоз куй-қўшиқларимизни, мақомларимизни тушуна олмайдиган, уларни ҳазм этмайдиган янги авлод шаклланиб қолмайдими? Мен нега бундай дейман? Чунки ёшларимизнинг онги, дили, кўзюзи фақат енгил куй-қўшиқлар, эстрадаларнинг тинглашга ўрганиб қолаётган. Улар саёз, жўн шеърга ёзилган қўшиқларни тингласан ўзини тиймайдиган, буни ор деб билимайдиган бўлиб қамол топаётган. Бу мусиқа тахрирлангандаги ҳолимлар, санъатшунослар, бастакорлар ва жамоатчиликни ташвишлантириши керак эмасми?

Н.САЛИМОВА

Тошкент шаҳри

ОМАД ЁР БЎЛСИН, ГУЛСАНАМ!

“Туркистон” саройида уч кун давом этган “Азиз она юртим наволари” кўрик-танлови 19 феврал кун катта гала-концерт билан ниҳоясига етди.

Барча вилоятлардан, Тошкент шаҳридан келган 70 га яқин ёш хонандалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Таниқли бастакор Б.Лутфуллаев раҳбарлигидаги хакамлар хайъати хулосасига кўра, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Гулсанам Мамазоитова танлов соҳибига деб топилди.

Дилноза Мирзахўжаева ва Нодира Тўлаганова иккинчи, Лола Аҳмедова, Озода Абдуғафорова, Зафар Қўчқоров учинчи ўринни эгалладилар.

Бир неча умидли хонандалар рағбатлантирувчи мукофотлар ҳамда дипломлар билан таъдирландилар.

“Азиз она юртим наволари” танловидан ўз истеъдодларини намойиш этиб, олқиш олган барча ёш хонандаларга омад ёр бўлсин, деймиз.



Э.КАРИМОВ олган сурат
намоён этиб, олқиш олган барча ёш хонандаларга омад ёр бўлсин, деймиз.

МУҲОКАМА

Кеча Ёзувчилар уюшмасида ёш адиб Тулқин Ҳайит қаламига мансуб “Боҳус кўшиғи” романининг муҳокамаси бўлди.

Муҳокамада асар замонавий мавзуда ёзилганлиги таъкидланди. Ёзувчилар — Омон Мухтор, Отаули, Собир ўнар, филологлари фанлари номзоди Олимжон Топиёнов ва китобхонлар роман ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини таъкидлашларини билдиришди.

Муҳокама якунида муаллиф эътироф этилган масалалар учун миннатдорлик ихсоз этилиб ва асарни қайта ишлаш жараёнида уларнинг инобатга олиниши таъкидланди.

Муҳокамани Бидийн Наср кенгаши раиси Пиримқул Қодиров бошқарди.

Муҳокамани Бидийн Наср кенгаши раиси Пиримқул Қодиров бошқарди.

Таажуб. Табиатимиз гоят қизик-да. Гоҳо билиб, гоҳида билмай кўнглини вайрон қиламиз. Кейинги пайтларда бир-биримиздан, айниқса, фарзандларимизнинг феъл-атворидан эъгиришларимиз кўпайиб кетди. Начора, айтмасак дил қуяди, айтсак тил, Мана, бир мисол: 14 феврал кун рўзғор ташвиши билан Чорсу тарафга йўл олдим. “Фарход бозори” бекатида улов кутиб турганим, яқиним-

д а г и
чи чор
рини уч
тош бў-

Хада-
оғохлантирув
ража чирокла
турт ўспирин
ронлай кетди.
хайлаб чопту
нимча, улар ишни битиришди: қизил чирок чил-чил синди. Бу етмагандай, мени ҳам обдон буралаб суққанча, жуфтаникни ростлашди.

Мен ҳам жаҳл устида қойиндим ва аччиқ-аччиқ ўқиндим. Балки ровийлар шунинг учун ҳам “Ўз яқинингдан етган озорни кечириб бўлмайди”, деб айтишгандир. Балки чиндан ҳам ором топаётган дилмигда дарад бола-ларим катори маҳалладош ўспиринлар етказган зарба-нинг захмидир. Ахир, маҳалладошларнинг беғонаси бўлмайди-да.

Ўткир АЛИМОВ,
меҳнат фахрийси

Қўшиқлар ва эстрадалар

ОЗОР

Тошкент шаҳри.

Халқимизнинг ажойиб анъаналари кўп. Аслида ҳозир ўзбек спортининг етакчи тури ҳисобланмиш кураш ҳам шу вақтга қадар фақат тўйлар беағзи бўлиб келган эди. Бугунга келиб у Оснб спорт ўйинлари қаторидан ўрин олди, ҳадемай дунё Олимпиадаси ўйинлари қаторига кириш арафасида турибди. У ёғини қўйинг, бу, энг аввал, ўзбекининг гурурини намойиш этмайдими?

Шу сингари чавандозлик, кўпқари ҳам азал удумимиздир. Бекорга Гурўгли ё Алломиш ҳам пахлавон, ҳам чавандоз ўтишганимиди? Яқинда Жиззах вилояти Ҳокими У.Емонқулов ташаббуси билан Жиззах шаҳрида яқин Учтала деган жойда каттақон, замонавий отпочар қурилади. Мамлакат чавандозлари дастлаб шу ерда мусобақа ўтказишди. Керак бўлса, шу ерда халқроқ от спорти бешлашувлари ҳам ўтказилади. Маъмур спорт тури бўйича федерация тузилиб, унинг ишлари кенгайтирилиш арафасида турибди.

Президентимизнинг ташаббуси ва жонқуяр спортчи, мураббий Комил Юсуповнинг фидойилиги туфайли ўзбек кураши жаҳон майдонига чиқиб улгурди. Чавандозлик ҳам худди шундай бўлиши керак.

Галнинг индолласини айтганда, отпочарда ўзбек чавандози улоқни юлиб чиқмаса, халқроқ майдондаги гиламда ўзбек полвони рақибини кўтариб урмаса, уят ҳам бўлади-да?!

Бразилияда гўдак ҳам, чол ҳам футбол ўйнайди. Футбол деган тушунчани улар қон-қонига синдириб юборишган. Шу боис, Бразилия футболда ютказса, таажубланамиз, ютса: “Ўз шундоқ бўлиши керак эди.” — деймиз. Худди шу сингари ўзбек полвонининг кураги ерга тегса, оримиз кўзиши керак. Чавандоз улоқни олдириганда ҳам!


Эрнест Хемингуэй, Жек Лондон ҳақидаги китобларда уларнинг ҳар иккаласи ҳам профессионал боксчи бўлганликлари ёзилади. Хемингуэй хатто 60 ёшида ҳам профессионал рингга чиқиб, рақибини мағлуб этолган. 15 раундлик баҳсга олтими ёшли мўйсифидни қўя туринг, 25 йшли манаман деган боксчининг ҳам чидаб туриши жуда қийин. Бокс спортининг энг оғир, иродаталаб тури бўлса керак.

Мана, бугун, шўқри, Муҳаммадқодир, Артур, Руслан, Қувончбеклар жаҳон майдонларида ўзбекининг байроғини — бизнинг муқаддас рамизимизни тугдай кўтаришмоқда-ку!

Элни спортининг ўзи эмас, спортчилари танитар экан. Бугун мактаб парталарида илм олаётган, спорт залларидаги турли спорт секцияларида катнашаётган фарзандларимиз орасида бўлажак жаҳон ва олимпиада чемпиони борлигига шубҳамиз йўқ. Улар эртага ўзларининг жисмоний ва ақлий қувватлари ила Ўзбекистон байроғини бошқа йирик мамлакатлар қошида гурур билан кўтара олишади.

Давона 2-бетда

ФАРЗАНДИНГИЗ АЛПОМИШ БУЛА ОЛАДИМИ?



Боши 1-бета

Сенегал деган давлатга, гапнинг очиги, у жаҳон чемпионатида Францияни доғда қолдирган, хурматимиз ошди. Эфиопия деган давлат борлигини унинг дунёда энг кучли энгил атлетикачилари бот-бот эслайти туришади.

Ўзбекистонимиз номини эса боксчилар, теннисчилар, курашчи, каратэчи ва шахматчилар ёйишяпти спорт майдонларида. Бироқ, афсуски, энг оммавий ҳисобланган футболда негадир кейинги йилларда сулшлагандан-сулшашяпти.

Мухтарам Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш ташаббуси билан чиқишлари, хомийлик кенгашига шахсан ўзлари раҳбарлик қилишларининг маъносини ҳам каминга энг катта куч ҳисобланмиш фарзандларимизга катта умид боғланаётганидан, деб тушунаман. Болалар спортга эътиборинг ошиши сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Сир эмас, қиллоқ жойларида спорт ишлари анча суст. Уйин майдонларининг тайини йўқ мактаблар бор. Спорт заллари озуғулигича қолаётган мактаблар кўпчилиги ҳам инкор этолмаймиш. Аммо бу борадаги эътибор, аввало, спортни омма-лаштиришда кўриниши керак, менимча. Сабаби, катталарнинг спортга эътибори уларнинг бевосита шу машғулот билан нақадар шуғулланганликлари ёки шуғу-ланаётганликлари билан боғлиқдир.

Эрталаб шаҳарлардаги мактаб стадионларида катта ёшли эркек, аёллар, ҳатто қариияр ҳам юғуриб юришганини, кўл-оёқларини кериб, ҳаракатга келтиришяёт-ганини кўрсангиз, ҳайрон қолмайсиз. Бу эътибор уларга ҳатто бепасанд қарашда ҳам: «Ҳа, энди қилладиган иши бўлмагандан кейин юғурсин-да,» — деб. Гўё ўзи жуда муҳим ишлар билан банддек. Қишлоқларда эса бу ҳаракат тамоман уят сана-лади. Бундан кўра томоркани чопсин, ўтинни ўрсин, кирга чиқиб мол боксин, бу-лоқдан, каналдан сув ташсин — ана, спортнинг эъри — шу, дейишяди. Турги, буюм жисмоний меҳнат. Аммо, спорт билан мунтазам шуғулланмаслик оқибатида баданида туз йиғилаётган, қон босими ошаётган, ошқозони овқат ҳазм қилмай, безовта этаётган, юрак ҳуружига ураёт-ган беморларнинг сони кун сайин кўпай-иб бораётганини ҳам инкор этиб бўлмай-ди. Юғуриб, бадантарбия қилиб туради-ган одамда бу каби иллатлар учрамайди.

Мана, кўклам келяпти. Ҳадемай ма-халла-қўйларда, ташкилотларда футбол маддиси уюштирилади. Аммо мазкур тадбир у бир-икки ойдан кейин тўхтаб қолади, чунки кунлар исиб кетади. Шу билан то кейинги баҳорга ҳеч қачон футбол ўйнашни ҳаёлига ҳам келтирмай-ди. Агар биз фарзандларимизнинг соғли-ги ҳақида қайғурсак, уларнинг жисмо-ний тарбия, спорт билан мунтазам шу-ғулланишларига алоҳида эътибор қили-шимиз зарур. Фарзандларимиз Алпомиш бўла оладими? Демокриманки, бу энди сизу бизга — оталар, мураббийларга боғлиқ бўлган иш. Яъни болалар спортининг ривожига бевосита катталар-га боғлиқ.

Тарих нима учун ўрганилади? Тарих биз учун ойна, ибрат, муаллим: Эсли миллат тарихдан сабоқ олади. Нега бир вақтлар бир-бирлари билан юз йиллаб урушган Европа мамлакатлари бугун бир-бирларига дарвозаларини кенг очиб қўймоқдалар, битта «евро»га кел-моқдалар. Бу — ўтмиш хатоларидан чи-қарилган сабоқ.

Мерос-чи? Мерос — инсониятнинг бир жойга жамланган ақли, тажрибаси, усиз тараққиётни тасаввур қилиш мумкин эмас. Энди шу нуқтаи назардан Навоий ва Бобур ижодига бир назар ташлайлик.

Бобур ёзади: «Алишербек назир ийўқ киши эрди. Туркий тил била то шевр айтувтурлар, ҳеч қим онча кўп ва ҳуб айтон эмас». Бобур — Навоийнинг кичик замондоши.

Абдураҳмон Жомий эътироф этади: яхшиямки, у «Хамса» сини турк тилида ёзди, бўлмаса, Низомий ким бўлар эди-ю, Хусрав ким бўларди? Жомий — Навоийнинг катта замондоши, пир рутбасидаги киши.

Хусайний — Султон Хусайн Бойқаро бу эътирофни амалда намойиш этади. «Хамса» ни ўқиб тугатган, ўзининг оқ отига шоирни ўтқазиб, унга жилвордор-лик қилади. Хусайн Бойқаро — Навоийнинг тенгдоши.

Майли, булар — замондошлар, юрт-дошлар, дейлик. Орадан юз йил ўтди. Шарқда Фузулий оти билан яна бир порлоқ юлдиз чакнади. Энди у шевр-ият каъбасига айланди. Бироқ ўз са-лоҳияти билан Навоийдан мутлақо қо-лишмайдиган бу чакноқ юлдиз ўзини Навоийга яқин тутишдан ифтихор қилди. Навоийни газалининг буюк ус-тозларидан деб билди. «Навоийни су-хандон», деб таъриф этди, Унинг «ман-зури шаҳаншоҳи Хуросон» лигини таъ-кидлаб кўрсатди.

Майли, булар — Шарқ, ислом дунё-си, турк дунёси, ўртада ҳамят бўлади-да, дейлик. Фарбага ўтайлик. Христиан дунёсига назар таштайлик. 1557 йили Венецияда шоирнинг «Сабаъи сайёр»-идан Баҳром ва Дилором саргузашти таржима қилиниб босилди. XVII асрда унга тақлидан грузин тилида «Бараму-риани» («Катта Баҳромнома» — «Сабаъи сайёр») яратилди. Шу муносабат билан «Барамуриани» муаллифи машҳур грузин шоири Нодар Цицишвили ёзади: «Навоий бу киссани («Сабаъи сайёр»-ни — Б.К.) чигатоғ тилида ёзган. Ким шoirликда бирор кишини у зот билан тенглаштира олади?»

Майли, булар ўтмиш дейлик. XX асрга келайлик. Фарб ва Шарқни беш кўлдек билган академик Н.Конрадга кулоқ со-лайлик. У ўзининг «Среднеазиатское Возрождение и Алишер Навоий» мақо-ласида буюк шоир ижодини умумжаҳон адабиёти тараққиёти контекстида тах-лиқ қилади ва «Сади Исхандарий» да-ғи жаҳонгирни дафн этишда унинг бир қўлининг тобутдан чиқариб қўйилиши тамсили муносабати билан ёзади:

«Искандер умер. Согласно его пред-смертной воле его тело везут для по-гребения в его любимый город — Еги-петскую Александрию. Везут в гробу... И из гроба высовывается рука с откры-той горстью... Ничего в этой руке нет. Эта высовывающаяся из гроба рука с открытой горстью — художественный образ поэтической силы. Если бы Алишер создал даже только этот один образ, мы все равно поняли бы, что перед нами гениальный поэт».

Булар ёнига марҳум академикимиз, ма-

шур адабиётшунос Иззат Султоннинг илмий анжуманларида кўп такрорлайдиган кўйидаги сўзларини ҳам илова қилишни истардим: «Алишер Навоий замонасининг энг муҳим муаммоларини энг гузал шакл-да ифодалаб бера олган ижодкор эди».

Яна бир кичик маълумот. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида бўлиб ўтган Навоийга бағиш-ланган 47-йигинда Саидбахром Азизов деган бир профессионал астроном «Хай-рат ул-аброр»даги айрим поэтик образ-лар таҳлиliga киришиб, буюк шоирнинг кометалар, умуман, фалакий илмий му-аммолар ҳақида фақуллода билимга эга бўлганлигини, ҳатто уларнинг бошқа сай-ералар, жумладан Ер билан ҳам тўқнашиб

маротаба бева-бечораларни тўплаб, ош бериб, кийим таркатган, кези келган-да, Хиротдай улкан шаҳар аҳолисининг бир йиллик солигини ўз ёнидан тўлаб юборган хотамтойлар кўлми? Ўз ёни-дан юзлаб мадраса, работ, кўприк, хо-нақо, масжид қурдирганлар-чи? Бугун бозор иқтисодининг мураккаб шаро-и-тида бундай ҳимматнинг қадр ва ба-ҳосини тасаввур этиш қийин эмас. «Ҳа, бор экан, қилибди-да, шунга шунча-ми!», — деган нописандлик оғзимиз-нинг бир чеккасидан чиқиб кетиши мумкин. Борлар ҳозир ҳам кам эмас. Бугун кимнинг чўнтагида қанча пули борлигини аниқлашнинг ҳеч қийин жойи йўқ. Масалан, хомчўтларга кўра, мамлакатимизда миллионерларнинг (сўмда эмас, валютда) сони бизда анча. Ҳатто миллиардерлар бор. Лекин

рихий ҳодиса сифатида барча замонлар-нинг барча талабларига баб-баравар, беками кўст жавоб бериши мумкин эмас. Унда, албатта, ва, табиий равишда, му-айян даражада эскирган фикрлар ҳам уч-райди. Узоққа борманг, «Хайрат ул-абро-р»даги одоб-ахлоқ талқинларига бир эътибор қилинг. Бу, мутлақо, табиий. Ду-неда ўзгармайдиган мутлақ ҳақиқат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

2. Кейинги пайтлари «Навоийни ту-шуниш қийин» лигини қалқон қилиб, уни «содалаштириш», асарларининг, ҳатто газалларининг «наصري баёни» ни бериш лозимлиги айтилмоқда.

Шеърни баён қилиб бўладими? Айни-қ-са, газалини. Яна Навоийнинг газалини. Уни фақат Навоий микёсидаги истеъдо-дига қила олади. Шарҳи бўлса, бошқа гап. Уни ҳар қим ўз ақли ва тахайюли

умумжаҳон цивилизацияси фожиялари-га олиб бориши мумкинлиги борасида-ги ҳайратомуз башоратларни айтиб кет-ганлигини ҳаяжон билан гапирди.

Булардан қандай хулосалар чиқариш мумкин:

1. Алишер Навоий, аввало, миллий шоирдир. Бугун ўзбек аталган бу қадим миллатнинг дид ва назокати, андиша ва жасорати, феъли ва табиати унинг шах-сидагидек ҳеч бир шахсда, унинг ижоди-дагидек ҳеч бир ижодда мукамил ва бе-каму кўст намоён бўлган эмас. Бу мил-латнинг ор-номуси учун ҳеч қим унинг-чалик қўйиб-пишган эмас эди. Унинг ра-вақ ва истиқболи учун, унинг тили-ада-биёти, маданияти-маънавияти учун ҳеч қим бу қадар жон қийдирмаган эди. Унинг ҳаёти миллатга хизмат қилишининг бетим-сол намунаси. Унинг ижоди миллат бир-гина ўз миллатининг эмас, бутун ин-сониятнинг дарду муаммоларини кўта-риб чиқди, ҳар қандай миллий, диний айрмалардан баландда турди. Бутун инсониятнинг ахлит бир вужуд эканли-гини англади. Англадики эмас, ижо-ди мисолида ибодат этди. Шунга кўра у, жаҳоний сиймодир. Унинг мероси ум-минсоният мулкидир.
2. Алишер Навоий — барча замонлар шоири. Ҳамма замонларда унга эҳтиёж бўлган ва бўлади. Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли нарсани топиб келди ва бундан кейин ҳам топа олади...
3. Алишер Навоий — барча замонлар шоири. Ҳамма замонларда унга эҳтиёж бўлган ва бўлади. Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли нарсани топиб келди ва бундан кейин ҳам топа олади...

қайси бири-нинг ҳиммати-дан хабардорсиз?..

2. Навоийнинг рағбати ҳозир ҳам қўл этмас орзу бўлиб турибди. Хусайн Бойқаро ўз «Рисола»сида биргина Хирот ва унинг атрофида мингдан ортқ киши шевр билан машғуллигини иф-тихор билан қайд этади. Булар, бирин-чи навбатда, Навоий туғилган эди. Хунар ва илм ахли-чи? Яна Бобурни ёрдамга чақирамиз У ёзади:

«Ахли фазл ва ахли хунарга Алишер-бекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлиши бўлмай». Эътибор қилинг, илм-фан эгаларига унингдек кучли ва эътиборли мураб-бий бўлган эмас ва бўлиши ҳам но-маълум, — демоқда Бобур. Бугун ва-сийлар, ҳомийлар кўпми бизда?

3. Навоий бутун умр ҳақ ичиди яша-ди, у билан бирга яшайди. Хондамир унинг Хиротдаги машҳур Жомеъ ташкирида этагани белига кистириб, баниморлар ёнида ишлаганини ёзиб қолдирган.

1499 йили қўлдан ҳар орзусида юр-ган шоир подшоҳдан, ниҳоят, ижозат олиб йўлга тушади. Шоҳ эса, исён кўтарган ўгли Абдумухсинга қарши ку-рашга йўл олади. Абдумухсин сулх учун фақат Навоийнинггина вақил бўлиши-ни шарт қилиб қўяди. Яна Навоийни қайтариб олиб келадилар. Шоҳ унга мамлакатда қолшига розилик берса, истаган шартини бажаришини ваъда қилади. Навоий эса, Абдулла Ансорий макбарасининг «жорубкаш» лигини (су-пураб-сидирувчи хизматкорлигини) сўрайди ва «Равзат ус-сафо» нил маъ-лумот беришича, бунга муваффақ бўла-ди. Алишер Навоий шунга мана шун-дай жозибадорлиги, бетакорлиги бил-ан ҳаммани мафтўн этиб келмоқда.

Унинг ижоди-чи? Бу ижод, мана, беш асрдан ошибдики, шеърят муҳлисла-ри учун битмас-туганмас завк ва суғур манба, ижод ақли учун эса дарсоҳна, ибратхона вазиғасини ўтаб келади.

Бугун унинг қадр қиммати ўрнига қўйилиб, ижоди чинакамга ҳақ мул-гига айланади. Навоийшунослик фан си-фатида катта ютуқларни қўлга киритди. Навоийшуносларнинг бир неча авлоди шаклланди. Шоир асарларининг 20 жи-ддан иборат академик наشري ниҳояси-га етай деб қолди. Бугун унинг асарла-ри тавсифдан таҳлилга, баъндан талқ-инга юз тўтмоқда. Яна муҳими, бу ме-рос ҳақиқи суратда тасаввур адабиёти контекстида, буюк шоир учун ҳос бўлган мажоз ва ҳақиқат тарихини баравар уш-лаган ҳолда тадқиқ этилмоқда.

20-йиллардаги Ж.Бойбўлатовнинг Навоийни «пантуркизм отаси» сифатида айбловлари, 40 — 50-йиллардаги бад-дий асарлари Навоий ва Хусайн Бойқа-ро конфликтли асосига қўриш, 60 — 70-йиллардаги буюк шоирни алкоғолизм-га қарши курашга хизмат қилдириш ёхуд атеист сифатида қўриш, ҳайриятки, ўтмишга айланади. Бугун у мустақиллик яратган шарт-шароит ва имкониятлар асосида жаҳоний андозаларга мутаносиб ҳолда, Ватан ва Миллат манфаатларидан келиб чиқиб, ўрганилмоқда. Булар жуда яқин, албатта. Лекин, бизнингча, бу бо-рада маслаҳатлашиб оладиган масала-ларимиз ҳам йўқ эмас.

1. Кейинги айрим мақолаларда На-воий ижодини идеаллаштириш, шоир-ни «адабиёт пайгамбари»га айланти-риш, унинг ҳар бир сўзини мутлақ ҳақиқат ҳисоблаш, бунга озгина шак келтирган кишини «даҳога тош отиш» тарзида қабул қилиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу, бизнингча, тўғри эмас. Аввало, «Беайб — парвардигор», дейди халқимиз. Иккинчидан, Навоий-нинг камтарона, ҳатто хоксорона ҳаёти-га ишора қилувчи ҳасбу ҳолларини шунчаки этиқ деб қараш ёки Бобур-нинг унинг ижод табиати — «нозук ми-зо» лиги ҳақидаги фикрлари билан ҳисоблашмаслик масалага биртомона-ла ёндашиш, деб ўйлаймиз.

Ниҳоят, Навоий мероси конкрет та-

даражасига қараб шарҳлавериши мумкин. «Шеърнинг наصري баёни» деган гап унинг энг муқобилини кўрсатиб бериш даъвоси билан қилиш-ку! Бунга ўша шоирнинг ўзи журъат қилармикан?! Бизнингча, бизнинг принцип — бую-шоир ижодини идеаллаштириш, ғайриил-лийлигиндан ташқари, ундан бизни қанча-лик узоқлаштирсин; иккинчиси, шунчалик со-вутади. Туркия неча замонлардан буйн Навоийнинггина эмас, ҳатто XIX аср «Сарвати фун-ун» адабиётини ҳам «наصري баён» билан беради. Ёш авлоднинг уларга қизиқишида бирор ўзгариш сезилдими? Менимча, йўқ. Биз ҳам шу йўлдан борадиган бўлсак, бу-гунги авлод Навоийдан бебаҳар ўсади.

Энди бир-икки оғиз гап Бобур ҳақида.

Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида сўнги ўн йилда амалга оши-рилган ва амалга оширилаётган ишлар шу қадар кўламдор ва сермазмунки, уни ҳеч бир нарсасга қиёслаб бўлмайди. Биз-дагина эмас, жаҳон микёсида ҳам бу бо-рада катта ишлар қилинмоқда. Ёйжи Ма-нонинг Японияда «Бобурнома» наشري-ни бир неча жилдада, тадқиқоти билан қўшиб, эълон этиши бунга ёрқин далил. Бобур баъдин асарлар, улар асосида яратилган видеофилмлар туғайли халқ-имизнинг севилими ҳақрағимга айлан-ди. Яқинда «Бобурнома» тузатишган, тўлдирилган наشري чиқди. Бугун бо-бурушунослигимизнинг салмоқли ютуқ-ларишди. Шоҳ ва шоир Бобурнинг 520 йиллигига муносиб армуғондор.

Бу ерда ҳам маслаҳатлашиб оладиган масалалар йўқ эмас. Масалан, кейинги нашрда «Бобурнома»га киритилган янги матнлар таълиқлаштирилди. Жумладан, биз 1972 йили Қозондан топиб, эълон қилганимиз «Бобурнинг ўгли Ко-ронга мактуби» асл матндан биринчун-да ўзқилиштирилиб, бугунги тилда баён қилинбдики, солиштириб қўриган киши дарвор пайқайди. Иккинчидан, асарда Хиндистон билан боғлиқ турли-туман атамалар, журғофий номларни аслий шакл ва талаффузига кўра беришга мой-иллик сезилди. Ҳар қандай тил бошқа бир тилдан сўз олганда ўзининг қонун-қоидаларига мослаб олмайдими? Бу бо-рада ҳам ўйлаб қўрилгани яқин.

Ниҳоят, яна бир гап. Бобур бир муно-сабат билан «Севарларнинг итини ҳам севавлар...» деган эди. Бобурда ҳам ўша замоннинг нуқси теккан хижатлар йўқ эмас. У жанг жадаллар ичиде яшаган шахс. Бутун умри урушларда кечган шоҳ, Урушларнинг эса ўз қонуллари, шафқат-сиз қонуллари бўлади. Бобур ҳам, таби-ийки, бу қонуллardan четда турган, тўғри-роқ, туролган эмас. Буни ҳисобга олиш керак. Бобур ҳам кези келганда, рақиб-ларини аяган эмас. Бобурни севишигина кифоя қилмайди, уни англаш ҳам керак. Шоирларимизнинг таваллуд қунлари улар хотирасини ёдга олиш, тарихий хизматларини тақдир этиш учун муҳим бир имкон. Сизу биз учун эса, булардан ташқари, улар ижодини ўрганиш, бу бо-радаги ишларимиз бўйича фикр алма-шиш учун қулай бир фурсат ҳамдир.

Сўзимни Бобурнинг сўнги газали-дан олинган қўйдаги мисралар билан тугатишни истардим:

**Гурбатга ул ой ҳақиқи мени пир қилибтур,
Ҳижрон билла гурбат манга
таъсир қилибтур.**

**Мақдур борича қилурман сатъин висолинг,
То тенгрини билмонки,
не тақдир қилибтур...**

**Сендин бу қадар қолди йироқ,
ўлмади Бобур,
Мазур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.**

**Бобур, сендан шу қадар йироқда
қолиб, узоқда яшаб ўлмади, эй она дийёр.
Холбуки, у сенсиз аллақачон ўлиши ке-
рак эди, ўлмади! Сен унинг бу гуноҳи-
ни кеңир, афу эди!
Ҳаммага Ватанини шундай севиш
насиб этсин!**

УЛУҒЛАРНИ АНГЛАШ ҲАМ КЕРАК

Бегали ҚОСИМОВ, профессор

Умумжаҳон цивилизацияси фожиялари-га олиб бориши мумкинлиги борасида-ги ҳайратомуз башоратларни айтиб кет-ганлигини ҳаяжон билан гапирди.

Булардан қандай хулосалар чиқариш мумкин:

1. Алишер Навоий, аввало, миллий шоирдир. Бугун ўзбек аталган бу қадим миллатнинг дид ва назокати, андиша ва жасорати, феъли ва табиати унинг шах-сидагидек ҳеч бир шахсда, унинг ижоди-дагидек ҳеч бир ижодда мукамил ва бе-каму кўст намоён бўлган эмас. Бу мил-латнинг ор-номуси учун ҳеч қим унинг-чалик қўйиб-пишган эмас эди. Унинг ра-вақ ва истиқболи учун, унинг тили-ада-биёти, маданияти-маънавияти учун ҳеч қим бу қадар жон қийдирмаган эди. Унинг ҳаёти миллатга хизмат қилишининг бетим-сол намунаси. Унинг ижоди миллат бир-гина ўз миллатининг эмас, бутун ин-сониятнинг дарду муаммоларини кўта-риб чиқди, ҳар қандай миллий, диний айрмалардан баландда турди. Бутун инсониятнинг ахлит бир вужуд эканли-гини англади. Англадики эмас, ижо-ди мисолида ибодат этди. Шунга кўра у, жаҳоний сиймодир. Унинг мероси ум-минсоният мулкидир.
2. Алишер Навоий — барча замонлар шоири. Ҳамма замонларда унга эҳтиёж бўлган ва бўлади. Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли нарсани топиб келди ва бундан кейин ҳам топа олади...
3. Алишер Навоий — барча замонлар шоири. Ҳамма замонларда унга эҳтиёж бўлган ва бўлади. Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли нарсани топиб келди ва бундан кейин ҳам топа олади...

қайси бири-нинг ҳиммати-дан хабардорсиз?..

2. Навоийнинг рағбати ҳозир ҳам қўл этмас орзу бўлиб турибди. Хусайн Бойқаро ўз «Рисола»сида биргина Хирот ва унинг атрофида мингдан ортқ киши шевр билан машғуллигини иф-тихор билан қайд этади. Булар, бирин-чи навбатда, Навоий туғилган эди. Хунар ва илм ахли-чи? Яна Бобурни ёрдамга чақирамиз У ёзади:

«Ахли фазл ва ахли хунарга Алишер-бекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлиши бўлмай». Эътибор қилинг, илм-фан эгаларига унингдек кучли ва эътиборли мураб-бий бўлган эмас ва бўлиши ҳам но-маълум, — демоқда Бобур. Бугун ва-сийлар, ҳомийлар кўпми бизда?

3. Навоий бутун умр ҳақ ичиди яша-ди, у билан бирга яшайди. Хондамир унинг Хиротдаги машҳур Жомеъ ташкирида этагани белига кистириб, баниморлар ёнида ишлаганини ёзиб қолдирган.

1499 йили қўлдан ҳар орзусида юр-ган шоир подшоҳдан, ниҳоят, ижозат олиб йўлга тушади. Шоҳ эса, исён кўтарган ўгли Абдумухсинга қарши ку-рашга йўл олади. Абдумухсин сулх учун фақат Навоийнинггина вақил бўлиши-ни шарт қилиб қўяди. Яна Навоийни қайтариб олиб келадилар. Шоҳ унга мамлакатда қолшига розилик берса, истаган шартини бажаришини ваъда қилади. Навоий эса, Абдулла Ансорий макбарасининг «жорубкаш» лигини (су-пураб-сидирувчи хизматкорлигини) сўрайди ва «Равзат ус-сафо» нил маъ-лумот беришича, бунга муваффақ бўла-ди. Алишер Навоий шунга мана шун-дай жозибадорлиги, бетакорлиги бил-ан ҳаммани мафтўн этиб келмоқда.

Унинг ижоди-чи? Бу ижод, мана, беш асрдан ошибдики, шеърят муҳлисла-ри учун битмас-туганмас завк ва суғур манба, ижод ақли учун эса дарсоҳна, ибратхона вазиғасини ўтаб келади.

Бугун унинг қадр қиммати ўрнига қўйилиб, ижоди чинакамга ҳақ мул-гига айланади. Навоийшунослик фан си-фатида катта ютуқларни қўлга киритди. Навоийшуносларнинг бир неча авлоди шаклланди. Шоир асарларининг 20 жи-ддан иборат академик наشري ниҳояси-га етай деб қолди. Бугун унинг асарла-ри тавсифдан таҳлилга, баъндан талқ-инга юз тўтмоқда. Яна муҳими, бу ме-рос ҳақиқи суратда тасаввур адабиёти контекстида, буюк шоир учун ҳос бўлган мажоз ва ҳақиқат тарихини баравар уш-лаган ҳолда тадқиқ этилмоқда.

20-йиллардаги Ж.Бойбўлатовнинг Навоийни «пантуркизм отаси» сифатида айбловлари, 40 — 50-йиллардаги бад-дий асарлари Навоий ва Хусайн Бойқа-ро конфликтли асосига қўриш, 60 — 70-йиллардаги буюк шоирни алкоғолизм-га қарши курашга хизмат қилдириш ёхуд атеист сифатида қўриш, ҳайриятки, ўтмишга айланади. Бугун у мустақиллик яратган шарт-шароит ва имкониятлар асосида жаҳоний андозаларга мутаносиб ҳолда, Ватан ва Миллат манфаатларидан келиб чиқиб, ўрганилмоқда. Булар жуда яқин, албатта. Лекин, бизнингча, бу бо-рада маслаҳатлашиб оладиган масала-ларимиз ҳам йўқ эмас.

1. Кейинги айрим мақолаларда На-воий ижодини идеаллаштириш, шоир-ни «адабиёт пайгамбари»га айланти-риш, унинг ҳар бир сўзини мутлақ ҳақиқат ҳисоблаш, бунга озгина шак келтирган кишини «даҳога тош отиш» тарзида қабул қилиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу, бизнингча, тўғри эмас. Аввало, «Беайб — парвардигор», дейди халқимиз. Иккинчидан, Навоий-нинг камтарона, ҳатто хоксорона ҳаёти-га ишора қилувчи ҳасбу ҳолларини шунчаки этиқ деб қараш ёки Бобур-нинг унинг ижод табиати — «нозук ми-зо» лиги ҳақидаги фикрлари билан ҳисоблашмаслик масалага биртомона-ла ёндашиш, деб ўйлаймиз.

Ниҳоят, Навоий мероси конкрет та-

**Гурбатга ул ой ҳақиқи мени пир қилибтур,
Ҳижрон билла гурбат манга
таъсир қилибтур.**

**Мақдур борича қилурман сатъин висолинг,
То тенгрини билмонки,
не тақдир қилибтур...**

**Сендин бу қадар қолди йироқ,
ўлмади Бобур,
Мазур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.**

**Бобур, сендан шу қадар йироқда
қолиб, узоқда яшаб ўлмади, эй она дийёр.
Холбуки, у сенсиз аллақачон ўлиши ке-
рак эди, ўлмади! Сен унинг бу гуноҳи-
ни кеңир, афу эди!
Ҳаммага Ватанини шундай севиш
насиб этсин!**



Суратқош Аббағани ЖУМА фототўтапар.

Таниқди рубоб ижросиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобилжон Усмо-новнинг санъат оламига кириб келганига бу йил эдики йил тўлди. Уттан давр мобай-нида у «Сурнай навоси», «Наврўзи Аҷам», «Мискин», «Наври сеҳо» каби қуйлари бил-дан халқ эътиборини қозонди. Айни пайтда

лар яратди. Халқ куй-қўшиқларини тўплаб, магнит тасмасига тушир-ди.

Созанда илк бор катта сахнага чиққан даврини шундай хотирлай-ди:

ЯРИМ АСР СОЗ ЧАСИБ...

— Биринчи бор халқ олдида чиққан пай-тинми сира унутолмайман. 1954 йили Мос-квада бўлган катта кўргазмада бир ўзим са-ҳнага чиқдим. Уша пайтдаги ҳаяжон ва қувонч ҳалигача эсимдан чиқмайди.

Созданнинг унутилмас дамлари Ўзе-бекистон халқ чолгулари оркестри бағрида ўтди. Қобилжон Усмонов оркестр таркиби-да жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бўлди. Осиё, Африка ҳамда Европа давлатлари санъат кўргазмаларида Ўзбекистон миллий оҳанглари ижро этди. Қобилжон Усмо-новнинг санъатдаги фаолияти ўз вақтида муносиб тақдирланди. 1989 йили «Ўзебеки-стонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлган бўлса, 1995 йили яратган дарсликлари учун доцент илмий даражаси-ни олди.

Қобилжон Усмонов турли қўриқ-танлов-ларда истеъдодини намойиш қилаётган ёш созандалар фаолиятига катта қизиқиш бил-дан қарайди. Улар фақат танловларда эмас, бошқа пайтда ҳам кўриниб туриши керак, дейди созанда. Шунинг учун телевидение-да ўзбек миллий чолгуларида куй ижро этувчи созандаларга бағишланган махсус да-стурлар бўлиши керак. Биз бу ёшларни ҳа-лқимизга таништишимиз зарур.

Қобилжон аканинг қунобаётгани бежиз эмас, албатта. Ҳозир қўлида маблага ва оз-

гина овози бўлган ҳар қандай қўшиқчи те-левидениега чиқиб, машҳурликни даъво қилмоқда.

20-йиллардаги Ж.Бойбўлатовнинг Навоийни «пантуркизм отаси» сифатида айбловлари, 40 — 50-йиллардаги бад-дий асарлари Навоий ва Хусайн Бойқа-ро конфликтли асосига қўриш, 60 — 70-йиллардаги буюк шоирни алкоғолизм-га қарши курашга хизмат қилдириш ёхуд атеист сифатида қўриш, ҳайриятки, ўтмишга айланади. Бугун у мустақиллик яратган шарт-шароит ва имкониятлар асосида жаҳоний андозаларга мутаносиб ҳолда, Ватан ва Миллат манфаатларидан келиб чиқиб, ўрганилмоқда. Булар жуда яқин, албатта. Лекин, бизнингча, бу бо-рада маслаҳатлашиб оладиган масала-ларимиз ҳам йўқ эмас.

1. Кейинги айрим мақолаларда На-воий ижодини идеаллаштириш, шоир-ни «адабиёт пайгамбари»га айланти-риш, унинг ҳар бир сўзини мутлақ ҳақиқат ҳисоблаш, бунга озгина шак келтирган кишини «даҳога тош отиш» тарзида қабул қилиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу, бизнингча, тўғри эмас. Аввало, «Беайб — парвардигор»,

ЛОЖУВАРД МОҒЛАРДАҲ МОШАДИ ЗИЁ

Мирпулат МИРЗО



“ЧОРСУ” МАНЗАРАЛАРИ

Бу йил аяб ўтирмади пойтахтни ҳам қиш, манзелларда қилчичини ўйнатар аё... Яхмалақлар, арқираган йўлқалар узра тигда юрган дорбозларга ўшар одамлар; дараклар — оқ булдуруқда, юксак бинолар изгириллар дарёсини кечар саҳарлаб... Қор нуқрадек ёнган ушбу кўм-кўк тоғларда хонанишин бўлиб — ашёр тўқнидан безиб, ойналдаги зар нақшларни “ўқилдан” безиб, юрагимнинг чигилини андак ёзмок-чун,

ҳаёт қандоқ кечмақдадир—разм солмоқ-чун чиқаман мен

ҳеч тинмовчи қишда ҳам ҳатто тумонатнинг издиҳоми — гавжум манзилга... Ойдан тушган эртақ каби қадим “Чорсу” бу — офтоб ҳамда қодоқ қўллар меҳри омихта ризқ-рўз тоғ-тоғ уюлади бунда пайдар-пай;

меваларнинг мўл-қўллиги, бисёрлигидан кўчаларга қадар тошиб чиқар у ҳар тонг.

Мен ўзимни эҳтиётлаб музламалардан, кирарканман сарҳадсиз бу кабир уммонга, дуч келаман

қопларини қор узра қўйиб, жилмайганча қўлларига “куҳ-куҳ”лаётган шумлик билмас чехраларга — танги, жайлари: “Кеб қолинг, арзонлашиб кетди, кеб қолинг!”

Лекин доим иши пухта, тунд шаҳарликлар қайрилиб ҳам қўймаслар бу самимиятта, “арзон” сўзи улар қўзини ўйнатмас дарҳол...

Расталарда — мармар ноқлар, нақшин олмаляр, карсиллаган Фарғонанинг хусайнилар — худди ҳозир узилгандек қорли ишқолдан; бир ён Сурхон хурмолари, пуртахоллари,

нақ эҳромдек кубба-кубба қилиб тикланган; шаҳарнинг энг зуқко, моҳир меъморлари ҳам бу санъатта “тасанно!” деб юборар шаксиз; Учқоранинг майизи бу — дунёда якто, фазогирлар дастурхонин тансиқ неъмат;

бу туршаклар

Шаҳрисабз олтин ёзининг

нурларига ийлаб-ийлаб пиширилган қанд; тегиб кетманг беҳос

Кува анорларига — бўғизгача шарбат билан тўла, лиммо-лим; Мирзачўлниги “қирқма”си бу — аямажузда ёдингизга солар ойдин даштлар файзини...

Бу растада гуручларнинг минг хил тури бор, қўриб дейсиз — ҳовуч-ҳовуч биллур уюми;

оқ аланга янглиг ёнган бу инжа хирмон хоразмча савт янгратар шан давраларда; Олтиариқ турларини ким танимайди — пиёлада музлатилган булок суви нақ; модерн шоир ташбехлари эмас бу ёрқин, шодалари қалампирин шадлот Қўқоннинг!..

Нилий гумбаз туйнуқлари, тирқишларидан сизаркан қиш қўшининг ҳафиф нурлари, ёнар олтин заррасидек тонги губорлар ва уларга тўқниганча жаранглар ажиб — ҳар ён қумуш соқиллардек сочилгувчи дутф: “Кеб қолинг, арзонлашиб кетди, кеб қолинг...”

Исириқнинг иси ақир — қадди эгик чол чириқиб келар гўё қадим мозий бағридан, кашқулдан ва ҳокисор салобатидан нур ёғар — нақ башар қалбин поклай олгувчи.

Кузатаман — дунёдаги энг гўзал тилининг бирам бийрон соҳибую соҳибаларин; кузатаман — турфа ост-баш, турфа либосда ўз ташвишу ўйига гарқ турфа одамни; кузатаман — пўримларни — растама-раста юриб мева тотмоқликни касб қилиб олган;

